

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 39 (66014)  
1997 йил, 24 май, шанба

Сотувда эркин  
нархда

## ЁРУҒ КЕЛАЖАКНИНГ КЎЗЛАРИ ЁНАР, СЎНГГИ КЎНҒИРОҚНИНГ САДОЛАРИДА...

### СОАТ МИЛЛАРИДЕК ЮРАКЛАР: «ГУП—ГУП»... (қизим Муҳаррамага)

Дўшани бир бора айлангиргунча  
Ўн бир йил фурсат ҳам ўтиб кетибди.  
Кўчани чагитиб юрган ўғил-қиз  
Давримизнинг гули бўлиб етибди.  
Мана бу гулзорнинг вақ ўртасида  
Чамандай ястаниб ўтирган қизим —  
Елкамга оғичлаб юрардим доим,  
Энди у изимдир, сўзимдир, ўзим!  
Ана бу йигитнинг мана бу қизга  
Сирли боқишида ўзгача сир бор.  
Демакки, тан олдим: ҳаётимизга —  
Нур, кўшиқ, муҳаббат ишоси тайёр!  
Ана шу шўх қизинг кўзи куралай;  
Муҳаблис, фазогир бўлай дер ҳатто.  
Еринг меҳварини тутган йигитлар  
Юлдузи бенарвои урар, беҳато!  
Мактаб партасидан учирма бўлиб,  
Узоқни кўзлаган, эй кутлуғ қизим!  
Оқдундай, орзунинг оппоқ бағрида  
Сўзинг-ей, елкамини тутайин ўзим!  
Муаллим қалбида ширин ҳис эрур,  
Унга ҳам қийин-ей: ажралиш — оғир!  
Қизига фотиҳа берар отадай —  
Қувончми — азобга юраги асир.  
Ўн йиллик умрнинг қувончи, мағзи  
Мана шу жарангда бўлур намоён.  
Уйнинг тўрисида кўрса фарзандини,  
Бахтлидир ҳар ота, бахтлидир ҳар  
он!  
Ҳаётнинг мураккаб эшиги — очик,  
Дадил одам ташланг: мана — гул  
йўлка!

Аммо билиб қўйинг (эслатиб кўяй!) —  
Йўлларда баъзида учрайди тўнка.  
Одамлар бор: сизни бирдан чалғитиб,  
Нотайин йўлларга йўллар, ҳойнаҳой.  
Бошқаси — нокасу ҳаромхўрлари —  
Ўйқон нафсларини ўйлар пайдар-пай.  
Ўшандай дамларда олган илмингиз —  
Бир компас мисоли бахтга йўлласин!  
Устозлар шуъладан куйган дилингиз  
Меҳри ҳар ерда, ҳар қачон қўлласин!  
Ўн бир йил бир булоқ сувидан қонган  
Жаммак ўртоқлар — мангулик дўстдир!  
Нурафшон орзулар сеҳрида ёнган —  
Юраклар эзгулик тафтидан ўсди!  
Мунаввар уфқ сари полоноларин —  
Учириб, паршон қолган уядай,  
Ва ёки манзилга қаровларини —  
Элтишга қафолат олган туядай.  
Мактабда бир вазмин салобат ҳоким.  
Соат милларидек юраклар: «гуп-гуп»...  
...Жарангла, кўнғироқ, жарангла, токи  
Сукунат чок-чокдек узилсин тўзиб!  
Жарангос овозинг довоилар оғиб,  
Кўнғиллар мулкни тўддириб турсин!  
Еш тўлқни қирмоқда ҳаёт наҳрига,  
У юртдан гафлатни соҳилга сурсин!  
Парвозга шай турган қудратли сафда,  
Не бахтки, менинг ҳам доно қизим бор!  
Истагим: ҳаёт ҳам отадек, қафда, —  
Асрасин, бўлгингиз бахти барқарор!  
**Мирза Карим ПИРМАТОВ**  
1988 йил, 24 май.  
**АНДИЖОН.**



## ЎР-РА, ТАЪТИЛ!

Мана, мен орзиқиб кутган кунлар ҳам келди. Эртага охирги кўнғироқ, буёғи — маза.

Бу йил мен дадам билан Шаҳрихонга — амакимларнинг дала ҳовлисига борамиз. У ернинг ҳавоси тоза. Айниқса, Шаҳрихонсойнинг тиниқлиги кузни қамаштиради. Бу йил сойда маза қилиб чумиладиган булдим. Амакимнинг уйлари шундоқ Шаҳрихоннинг қоқ марказида, гузар олдида жойлашган.

Узлари қули гул уста. Утган йили борганимда, «Ие, той бола, кап-катта йигит булиб қолибсиз-ку. Бизникига тез-тез келиб туринг, уз хунаримни сизга ҳам ургатаман. Ахир йи-

гит кишига қирқ хунар ҳам оз», дегандилар.

Дарҳақиқат, амакимнинг хунарига ҳавасим келади. Эртадан кечгача дуконда утириб олиб пичоқ ясайди, унга ҳар хил нақшлар билан безак беради. Мен ҳам борганимда албатта бу хунарни урганишга ҳаракат қиламан.

Ҳозир пичоқ ясаш учун ишлатиладиган металллар қидиришман, чунки пичоқ темир-терсақлардан, ҳар хил металллардан тайёрланади. Уларни узим билан бирга олиб кетаман.

**Хуршид УММАТАЛИЕВ,**  
**Андижон вилоятидаги Жийдақатор қишлоғи.**

### ЭКОНИ БИЛАСИЗМИ?

Азиз болажонлар, дарҳақиқат шундай ташкилот ҳақида эпитетанмисиз? Бу Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти булиб, утган ҳафта унга аъзо булган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашуви Ашгабадда булиб ўтди. Марказий Осиё давлатлари, Афғонистон, Покистон, Эрон, Туркия, Озарбайжон, шунингдек, Ислонтираққиёт банки, БМТнинг савдо ва тараққиёт конференцияси каби халқаро ташкилотлар вакиллари ишгирик элган ушбу олий даражадаги йигинда минтақа мамлакатларидаги нефть ва газни жаҳон бозорига олиб чиқиш, нефть қувурларини куриш, газ қувурини барпо этиш буйича имкониятлар кўриб чиқилди. Юртбошимиз минтақада барқарорлик, тинчлик таъминланмас экан, ЭКО фаолияти самарали натижалар бермаслигини алоҳида қайд этди.

### ҲУКУҚ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА

Мамлакатимиз Президенти кун кеча республика ҳукуқ тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди. Унда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, қабул қилинган қонун ва қонунчилик ҳужжатлари моҳиятини аҳоли кенг қатламларига янада чуқурроқ етказиш билан боғлиқ масалалар хусусида сузборди. Ҳуқуқий-демократик жамият қураш эканмиз, бу ҳозир мактабда таълим олаётган Сиз азиз укучилардан давлат ва ҳуқуқ асосларини чуқур урганишни талаб этади.

### ДЎСТЛИК МУШОИРАСИ

Пойтахтдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси ва Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Мустақиллик — бахтимиз, толсимиз, камолимиз» шиори остида дўстлик мушоираси булиб ўтди. Унда Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Ўзбекистоннинг таниқли шоир ва езувчилари, ижодкорлари қатнашдилар. Мушоирани ассамблея президенти Чингиз Айтматов олиб борди. Шунингдек, анжуман меҳмонлари, республиканинг таниқли адаблари ишгирида «Марказий Осиё мустақил давлатлари халқлари шэърийатининг буғуни ва эртаси» мавзусида давра суҳбати утказилди.

# Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди

Хамма ҳам умрида бир марта булса-да имтихон топширган. Агар ҳаётида шу воқеа руй бермаган булса, энди топширади.

Шундай экан, узининг ёзуғига ёзилган нарсанинг моҳиятини англаб яшагани яхши-да.

Шундай экан, имтихон нима?

— «Имтихон имтихон-де», — дейди курагига Майкл Жексон суврати туширилган хорижий куйлак кийган Арслон сақичини пуфакча қилиб чиқараркан.

Борди-ю, узимдан сурашсачи?

Мактабда математикадан «5» олиб уқиган булсам ҳам, жуда теран билмаслигимни доим ҳис қилардим. Контрол иши, имтихонлардан шуқадар қўрқар эдимки, яқин-яқинларгача ҳам тушларимда математика имтихонига тайёрланиб чиқардим.

Демак, имтихон бу туйгулар таранглашуви, масъулиятининг кучайишими?

— Йўқ, имтихон бу инглиз тили муаллимамининг ота-оналардан совға оладиган кўни,

дейди Сурайё.

— Йўқ, ота-оналарнинг мактабга ош дамлаб, «Фанта», «Кокакола»лар олиб келадиган кўни, — дейди Қобил.

вончойда чўчишга мутлақо асос йўқ. Аълочи, заҳматқаш қиз. Олти нафар оғаси, битта синглиси бор. Оғаларининг иккитаси дипломатликка ўқияпти. Онаси Бекпош-

## Диққат: имтихон...

Беҳзод Вафоевнинг имтихон ҳақидаги нуқтаи назари ўзига хос. У ўзиям галати бола. «Ўз даврасининг кадхудоси», — дея таърифлади муаллимаси Беҳзодни. Кадхудо — хоразмча жўрабоши, янаям аниқроғи «қозир» деган маънони беради. Уям онадан шунақа тутилган эмас. Орол фожеаси, Хоразмда экология ёмонлашуви боис Беҳзоднинг буйрағи хасталанган. Дадаси Москва, Ленинград ва ҳоказо шаҳарларда даволатган. Бегона жойларда ўзи учун курашиб, Беҳзод шунақа ҳақини танийдиган, ўзи билан ҳисоблашишга атрофдагиларни мажбур қиладиган абжир болага айланган.

Дарвоқе, имтихон...

Унинг беъинчи синфдаги уртоғи Сардор Бобононов имтихонларга ҳозирланаёпти. «Опанг муаллима, сента барибир «5» қуйиб беришди», — деб уртачадан баландроқ ўқийдиган уртоғининг кўнглини кутаради. Беҳзод. Сардорнинг онаси Розажон опа,

ҳақиқатан уқитувчи. Аммо у Сардорга фақат дарс тайёрлашдагина ёрдам беради.

Беҳзод учун имтихондан уртоғи билан бирга утказган, гоҳ ҳаёл суриб, гоҳ «Денди» уйнаб утказган ажойиб кўнлар муҳимроқ.

Нима булганда ҳам, «имтихон» сузи барчани сергак торттиради. Бирорта одам ҳам: «У нима у?» деган саволга: «Ҳеч нима» деб жавоб бера олмайди.

— Имтихон — ўз-ўзимга ишонинг учун ёрлик берадиган лаҳза, ишончнома фурсатларидир, — дейди яна бир иқтидорли ўқувчи. Менга унинг жавоби кўпроқ ёққани учун исмини айтмадим, ўзига бино қуйиб юбормасин, дедим.

Хуллас, имтихон тушунчасининг шакли, шамойили тасаввур майдонингизда қандай жонланади ва бу жонланиш олдидан кичраясизми, кучга туласизми? Бу савол ва унинг жавоби Сиз билан бирга ҳали кўп йул босади. Имтихонлар эса энди бошланаёпти.

РОСТҒҮЙ БОЛА

## У — НИМА У?

Гарчанд уларнинг фамилиялари, уқитган мактаблари, муаллималари аниқ булса-да, ёза олмайман, чунки керак пайтида улар айтган гапларидан тониб юборишади. Бу — синалган ҳақиқат.

Қолаверса, гап улар ҳақида эмас, имтихоннинг моҳияти ҳақида.

\*\*\*

Хоразм вилояти, Шовот тумани Аваз Ўтар номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Қувончой Қозоқова учун бу йилги имтихонлар унинг тақдирини ҳал қилувчи катта воқеадир. Аслида Қу-

ша опа — ҳамшира. Дадалари вафот этгач, оназор болаларини ўқишга янаям қаттиқроқ боғлаб қўйган. «Даданг раҳматли сизларнинг ўқимишли, ўз оёғида маҳкам турадиган одам бўлишларингизни орзу қиларди. Орзулари ерда қолмасин», — дейди.

Қувончой имтихонларни муваффақиятли топширса, туман марказидаги Ал-Хоразмий номли математикага ихтисосланган мактабда ўқиш нияти бор. Ҳозир астойдил тайёрланаёпти.

\*\*\*

Шовот шаҳри Тараққиёт номли мактабнинг 4-синф ўқувчиси



**Шу кунларда мактаб спорт майдончалари ўқувчилар билан, уларнинг қувончлари-ю, шовқин-суронлари билан тўла. Тошкентдаги 102-мактабда ўқувчилар имтихон саволларига жавоб бериш билан биргаликда спортнинг беш тури яъни, енгил атлетика, кросс, қисқа ва узоқ масофаларга югуриш, граната ва тўп улоқтириш бўйича синовдан ўтдилар. Сиз кўриб турган ушбу суратни сураткашимиз Равиль Альбеков олганлар. Унда юқори синф ўқувчиларининг имтихон топшираётгандаги ҳаёжонли дақиқалар ўз аксини топган.**

## Шайхонтоҳур туманидаги 299-мактаб ҳаётидан лавҳалар

### Ҳисобот

Ташкил топганига эндигина 6 йил булганига қарамай, мактабда мукамал билим олиш учун шароитлар яратилган. Синфхоналар керакли ўқув жиҳозлари, компьютерлар билан таъминланган. Баҳолашда рейтинг системаси қўлланилади. Бошқа мактаблардан фарқли уларок, бу мактабда рейтинг жадвали ташкил этилган. Ҳар чоракда ўқувчиларнинг олган баллари — билим савиялари шу жадвалда курсатиб борилади ва голиблар тақдирланади. Билим масканида чуқурлаштирилган инглиз тили синфлари мавжуд. Мактаб Низомий номли Педагогика олийгоҳи билан ҳамкорликни йулга қуйиб, келгуси ўқув йилида «Педагогика» синфини очиб ва унга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш режалаштирилмоқда. Шу кунларда имтихонларга қизгин тайёргарлик куриляпти.

\*\*\*

Маълумки 1997 йил «Маънавият ва маърифат», йили деб эълон қилинган. Бу борада ҳам қатор ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон образини яратган талантили актёр Теша Муминовнинг Амир Темура ҳақидаги мароқли суҳбатлари, «Ҳамза» театрининг номдор актёр ва актрисалари А. Абдуваҳобов, М. Мухторова ҳамда Д. Икромовалар иштирокидаги ижодий учрашувлар; сеvimли болалар шоири П. Мумин билан «Китобхонлик» кечасининг утказилганлиги еш авлоднинг маънавий дунёқарашининг кенгайишига ҳисса қўшади.

\*\*\*

Бу ҳақда қайси бир ўқувчидан сурамайлик, улар яқинда утказилган 8-11-синфларнинг «Болалар — Шоу» си ҳақида завқ билан сузлаб берадилар.

Шоу — ниҳоятда ранг-баранг дастурни ўз ичига олган бўлиб, ундаги узбек эстрада юлдузларининг ўз қўшиқлари билан кеча-

га «иштирок» этишлари; қўшиқларга мос сахна қуринишлари; айниқса балкостюмидаги аргентиналик ва бразилиялик меҳмонларнинг кечага ташриф буюришлари томошабинларга кутаринки руҳ бахш этди. Шоуда 276-мактабнинг «Ал-Вақил» гуруҳи ҳам таклиф қилинган бўлиб, улар ҳам ўз қўшиқлари билан мухлислар олқишига сазовор булдилар. Мактаб ҳаётида бундай кечалар тез-тез утказилиб туради.

\*\*\*

Мактаб — катта даргоҳ. Ёшларни турғи тарбиялаш, ҳаётга йуналтириш катталар олдидаги бурч. Шулар боис, ҳар ойда турар жой милиция назоратчиси Б. Қўшмуродов мактабга таклиф қилиниб, у усмирлар уртасида жиноятчиликни олдини олиш борасида ибратли суҳбатлар утказади. Албатта, бунинг натижаси уларок, мактабда бирорта ҳамтарбияси оғир ёки жиноятчи бола йўқ.

\*\*\*

Мактаб — туман, шаҳар миқёсидаги турли тадбирларга фаол қатнашиб келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган «Илҳом чашмалари» курик-танловда раққосалар гуруҳи бош совринни қўлга киритдилар. Информатика фанидан туманда утказилган олимпиадада эса 11-«А»-синф ўқувчиси Умида Қўчқорова 1-уринни, 10-синф ўқувчиси Умида Обидова 2-уринни эгалладилар. Мактаб спорт мусобақаларида ҳам доимо иштирок этиб келади. Хусусан, яқинда футбол бўйича утказилган мусобақада фахрли уринни эгалладилар.

\*\*\*

Маълумки, бугунги кундаги ўқувчиларнинг ташқи оламига зеҳн қилсак, гоҳ хорижий либос, гоҳ турли тақинчоқларига кузимиз тушади. Шу борада мактаб жамоаси, ота-оналар ва

маҳалла етакчилари ҳамкорлигида фарзандларимизнинг мактаб формалари юзасидан йигилиш утказилди. Муҳокамада оилаларнинг иқтисодий шароитлари ҳисобга олиниб, доимий мактаб формасига утиш масаласи курилди.

Ўқув масканида аълочи, иқтидорли ёшлар кўп. Жумладан: Фарида Худойберганова, Акмал Ражабов, Сабиҳа Ҳасанова каби ўқувчилар — мактабнинг фахри. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида мактабда «Камолот» жамғармаси ташкил қилинган. Агар «Камолот»ни ўз ҳомийлигига олган «Нодирабегим» миллий санки раҳбарлари узларининг мсқдий ёрдамларини аямаганларида эди, нафақат аълочи, иқтидорли ёшларни маънавий рағбатлантирган, балки шароити оғир оила фарзандларига ҳам ёрдам қўлини узатган булардилар...

Дилрабо ДАВЛАТОВА

# Билиб қўйки, сени Ватан кутмади!

Ф. Фулом

Мен уқиган 7-«Б» синф ҳам мактабимизда энг туполончи синфлардан бири эди. Уқитувчиларимиз бизнинг синф ҳақида ҳам қуйиб, ҳам суюб гапиришарди. 45 дақиқа мобайнида номи камида 8—9 мартадан тилга олинмаса, синфхона тинчилиги сақланмайдиган Хуснидин-у, Муҳсин исмли синфдошларимиз булиб,

## Мен банкир бўлмоқчиман—банкка таниқли артистлар келиб тураркан...

дан узр сурдим.

Синфда 28 уқувчидан 22 уқувчи бор. Болаларни айтишларига қараганда, қолган 6-нафар уқувчи каникулни аллақачон бошлаб юборишган.— «Мактабдан олган китобларигача уйларига бориб узимиз олиб

га қушиламан, — сўхбатга аралашди, синфнинг аълочи уқувчиларидан Мафтуна Ибрагимова — менинг назаримда ҳам одобли бола, яхши бола, масалан, синфимизда Қахрамонов Тоҳир, Акромов Анвар исмли синфдошларимиз бор. Улар «3» ва «4» баҳо-ларга уқисалар ҳам ҳеч ким ҳеч нарса демайди. сабаби, босик, дарсга қулоқ солиб жим утиришади...

— Дарсга қулоқ солиб ўтирсалар ҳам нима учун паст баҳо олишади? Ёки муаллимларингизни айбими бу? — Бу саволга биринчи партада утирган Дилафруз Назруллаева жавоб бериш учун қул кутаради.

— Тоҳир билан Анвар дарсни эшитиб, урганиш учун эмас, менинг назаримда дарсни билмаганликлари учун жим утиришади.

— Нега энди? — урқоқларининг ёнини олади Бехзод Юсупов. — Улар дарсни билмаганликлари учун эмас, балки уқитувчини, дарсни ҳурмат қилганликларидан одоб сақлашади. Тунов куни Тоҳир физикадан «4» баҳо олдику!

— Дарсдан қочиб кетишлар ҳам бўлиб турадими? — сўрайман Мирзабек Холмедов каби санъаткор булишни орзу қилиб, ҳар хил латифалар айтиб, синфдошларини қулдириб юрадиган Азизбек Тошмухамедовдан.

— Ҳа, уч-туртга булса ҳам бор. агар жисмоний тарбия дарси булса, ҳамма дарсга келади. Ҳеч ким дарсдан қочиб кетмайди. Синфимиз уғил болалари футбол уйнашни жуда қаттиқ яхши қуришади. Шунинг учун синфимиз уқувчилари спорт беллашувларида доимо 1-уринни олишади.

— Балки, футбол қироллари сизнинг синфингизда бўлса ажаб эмас.

— Тўғриси, мен ота-онам рухсат берганларида, футболлист бўлмоқчи эдим. Улар мени тушунтирмади, — Элдор кузлари билан ер чизади.— Энди прокурор бўлмоқчиман...

Синфда бахслар қизиқ кетди. Болаларнинг фикрлари теран, улар келажакда ким бўлмоқчиси, деган саволга бирин-кетин жавоб беришга шошиладилар.

— Мен тикувчи бўлмоқчиман, — дея узини тиккан куйлакчаларини сумкасидан олиб курсатади Дилафруз. У тикувчилик сирларини урганишда меҳнат дарси уқитувчиси Дилфуза Курбонованинг хизматлари қул келаетганини гапирди.


— Мен банкир бўлмоқчиман, — дейди Мафтуна. Синфда энгил шивир-шивир бошланади.

— Банкирларга ҳавасингиз келадими? — дея сўрайман.

— Онам билан холам банкда ишлайдилар. Банкка таниқли артистлар келиб тураркан, — дея жавоб берди у. Мен эса бу болаларча айтилган содда, самимий жавобни дафтарчамга ёзиб оламан.

Хосият РУСТАМОВА.

## ОДОБЛИ БОЛА — ЯХШИ БОЛАМИ?



улар «синфимиз курки» ҳисобланарди. У вақтларда биз аълочиларнинг қанчалик асабларимизга тегишган булишларига қарамай, айна лаҳзаларда хотиралар тарзисидан оғиргина тошни босиб туришибди.

Мен бутуннинг Хуснидинни. Муҳсинлари ҳақида ёзгим келди. Ҳаммамизга маълум, ҳар бир мактабнинг ном чиқарган туполончи синфлари булади. Мен яқинда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманига қарашли Фурқат исмли 196-мактабда бўлдим. Мактабнинг илмий булим мудирига мақсадим бироз галатиноқ туюлди шекилли, юз ифодаларида норозиликка ухшаш нимадир қуринди. Сездим, узингники булиб қолган болаликнинг туполончилари ҳақида гапириш ҳам ёмонлаётган каби оғир ботади.

Лекин менинг уйларим бошқача. Туполончи бола ҳам аъло баҳо-ларга уқиши, синфнинг фахри булиши мумкин-ку?!

Хуллас, мен 7-«В» синфидаман. «Мактабимизда «Энг туполончи синф» деб ном олган 7-«А» синф уқувчилари кетиб қолишибди. Бугун шанба, дарслар кам булса керак... Бу 7-«В» синфи II-уринда туради»,- мудар опа ташуунтириш берадилар. Болалар билан мустақил гаплашиш ниятим борлигини айтиб, опа-

келишимиз керак, деб қушимча қилади куюнчак синфкомГулчехра Акмалхонова. Синфни яхши булиши учун раҳбаримиз Насиба опа Эргашева билан биргаллик жуда кўп мажлислару, тарбиявий соатлар утказамиз. Бу қурилган тadbирлар нари борса бир ҳафтага асқотиши мумкин.

— Гулчехра, мана шу туполончиларнинг борлигини яхши томонлари ҳам бўлса керак-а?

— Ҳа, кўпроқ байрамлар-у, катта-кичик йиғилишларда актив иштирок этишади, актёрлар каби яхши роллар ижро этишади. Уялишмайди-да, шуниси яхши.

— Фақат шуми? — Гапни илб кетади Элдор Рuzиев деган кичкина бола.

— Масалан, мен туполончи булсам ҳам, йиллик чорагимда «4» дан «5» ларим кўп.

— Элдор, сизнингча, қандай бола яхши бола? Элдор нафақат туполончи, балки, актёрлик хусусиятига ҳам эга қурилади.

— Масалан, тарбияси ёмон булиб, фақат аъло баҳо-ларга уқиган билан у болани яхши бола, дедмайман. Аъло баҳо узини асқотади, кўпроқ. Уқитувчиларидан гап эшитмаслиги учун. Катта-ю кичикни ҳурмат қилса, узини одоби билан меҳр қозонса, у болани яхши бола ҳисоблайман.

— Мен ҳам Элдорнинг гапи-

Мактабларда сўнги қўнроқ жаранглаётган шу ҳаяжонли кунларда шоира Фароғат Камоловага урта савол билан мурожаат қилдик.

— Болалигингизда энг эсда қолган кун?

— Эсимда қолган қувончли кунлар кўп булган. Шулардан дастлабкисини айниқса, завқ билан эслайман. Биласиз, қишлоқда устанман. Оиламиз каттагина эди. Алоҳида эътибор билан устиришмаган. Эркаликка, эътиборга интилган булсак керак. 5-6 ёшлардаман. Қайсарроқ

чада менинг навбатим келиб саҳнага чиқдим. 5 тами, 6 тами шеър уқиганимдан кейин уқитувчим мени тухтатди. Биламиз, сен жуда кўп шеър биласан, энди навбатни бошқаларга берайлик, деди. Мажбур, саҳнадан тушиб кетдим. Лекин энг яхши шеърлар уқилмай қолиб кетгандай эди. Жуда сиқилдим. Уша йили янги йил таътили ҳам татимади.

— Охирги қўнғироқни қандай эслайсиз?

— Мактаб билан хайрлашиш оғир булган. Айна пайтда орзулар осмонига қанот чиқариб учишга

## ЎРИК ГУЛИ МЕН УЧУН АЗИЗ,—

дейди шоира Фароғат КАМОЛОВА

фёлим туфайли кўп гап эшитрдим. Бир куни уйда утирсам, узимдан катта акам чақириб қолдилар. Овозларида дўқ оҳанги бор. Гап эшитишга тайёрланиб ташқарига чиқсам, акам орқаларига қулларини яшириб қулиб турибдилар. «Туғилган кунинг билан табриклайман!» — деб, — бир даста урик гулини тутдилар. Бу мен туғилган кунимда олган дастлабки совға эди. Ушандан буён Меҳр туйғуси ҳақида мени илк бор уйлатган юқоридаги воқеа кунглимга чуқур урнашиб қолди.

— Уқитувчиларингиз ноҳақ ранжитишганми?

— Туртинчи синфда уқирдим. Янги йил кечасидаги тантанана шеърлар ёлладик. Мен уқитувчимга 20 та шеър уқимоқчилигимни айтгандим, рози булдилар. Ке-

шай турганмиз. Утган йили битирганимизга йигирма йил тулиши муносабати билан узим уқиган Камол Азимов номидаги 10-мактабда учрашув булди. Шунда мен битирувчи булгандаги охирги қўнғироқни мендан қура уқитувчиларим яхши эслаб, тафсилотларигача айтиб беришганда, ушанда уқиган, узимнинг ёдидан кутарилиб кетган шеъримни сақлаб юришганини эшитганимда бир оз хижолат тортдим. Уқитувчиларимнинг уз ҳаётини, қувончини ҳақиқатан болалар билан боғлаганларига, фидойилигига қойил қолдим. Уз туйғулари билан менга катта таъсир утказган бир муаллимаман бор эди. Унга бағишлаб ёзган шеъримни эсладим.

МУАЛЛИМАМГА ЁКИ  
ОХИРГИ ҚЎНҒИРОҚ  
ҲАҚИДА ШЕЪР

Сиз гўзал эдингиз,

Осмондан ҳам гўзал эдингиз.

Сиз доно эдингиз,

барча донолардан доно эдингиз.

Мен бир қўнғи каби осмон шайдоси,

Мен бир қўнғи каби интиқ нурларга.

«Бахт, бу — парвозларнинг гўзал дунёси».

Бахт сўзин ёдингиз тасаввурларга.

Мен рози бўлардим бутун умрга

Сизнинг ёнингизда қолмоққа тамом.

Бахт билан ёнма-ён — Сиз билан бирга,

Сизнинг меҳрингизга қонмоққа тамом.

Бироқ йўл кўелмас бунга ҳеч қачон

Қалбимга Сиз солган гўзал тугёнлар.

Ахир чорлаятти бағрига бу он

Сиз бўлиб кўринган уша осмонлар...

Бахтиёр АҲМАДАЛИЕВ  
сўхбатлашди.

Сиз қушиқнинг нафас олганини, кулганини, хурсинганини ҳис қилганмисиз? Мен эса ҳис қилганман. Бетимсол Ҳалимаҳоним, Саодатхоним, Насиба ва Юлдузлар куйлаганда мен қушиқнинг камалакдек товланишини, табасумини курганман. Ҳатто, юрак уришини эшитганман.

Қалбни титратадиган, туйгуларни чертадиган кунгилни яйратадиган қушиқ, энг оғир, қийналган дамларингда нажотга айланади. Қушиқсевар халқимизнинг қалбига мусиқа булиб кирган хушовоз хонанда Софияхон Сафтарованинг дил тортар ашулаларини мен ҳаммаша ҳаяжон билан тинглайман. София қушиқнинг ҳар бир сузини ҳис қилиб куйлайди. Шунинг учун ҳам мусиқа нурида товланиб, ярақлаб турган сузлар энг назик туйгуларингизни эркалайди, қуринмас қанотга айланиб сизни ложувард самоларга олиб кетади. Биз хонанда билан қалбни энтиктирадиган, туйгуларни тиниқлаштирадиган қушиқлар ҳақида суҳбатлашдик.

— **Софияхон, сиз учун қушиқ нима? Ҳавасми, умр мазмунини, тақдирми?**

— Менимча тақдир булса керак. Мен қушиқни ҳавас дея олмайман. Чунки у менга ол-

лоҳ nasib этган тақдир деб уйлайман. Чунки бирон дақиқамни қушиқсиз, мусиқасиз тасаввур қила олмайман!

— **Саҳнага биринчи марта чиққанингизда нималарни ҳис қилгансиз? Болалиқни, унинг ҳайратларини соғинасизми?**

— Хулқар опа, болалиқни соғинмай, унинг бегубор туг-

тию, мен эса парда орқасида кутиб турган оймнинг қучоқларига отилиб, йиғлаб юборганман. Ҳозир тантана ва концертларда қушиқ айтганимда ҳам гоҳо уша қайтмас лаҳзаларни, камалакдек товланаётган болалиқни соғинаман.

— **«Ўзбекистон Ватаним маним» республика қушиқлар тан-**

**Ўзбекистон — Ватаним маним**

инсоннинг болалиғи беради» — деган эди. Бу фикр санъатнинг барча турларига ҳам тула тааллуқли деб ҳисоблаш мумкин. Болалиқнинг қулуга тула бегубор олами, ойдин орзулари ана шу ҳаяжонларни, бегубор тугёнларни англаган қалбни доимо юксакларга

ҳакамлар талабига жавоб берган қушиқлардан бири София куйлаган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» ашуласи бўлди. Ушанда бу қушиқни ҳақиқий дард, катта маҳорат билан куйлаган хонандани халқимиз узоқ олқишлади.

София болалиқнинг ажойиб кунлари, орзулари ҳақида тўлқинлиб гапирдилар.

*Ҳар баҳорда менга эринмай, Яшмоқни ўргатар дароҳт,* — деб ёзгандилар суюкли шоиримиз. Менга эса яшмоқни қушиқ ўргатади.

Мен эса сиқилган дамларимда, дардларим дунёга сиқмаган пайтларда қушиққа суянаман...

Хонанда ҳар бир қушиқни ўз гўдагидек суюди. Авайлайди. София фарзандларини ҳам қушиқ билан тарбиялайди. Софианинг рангин қушиқларини тинглаганимда кўнглимда гуллар очилади. Кўнгли гулларининг ҳидидан маст камалаклар — да бу қушиққа жўр бўлишди. Софианинг қушиқларида эса...

*Буюк куч бор, Ҳар бир сўзда, Оҳангида бордир диёнат, Айрмагин оҳанги сўздан. Сен қушиққа қилма, хиёнат...*

**Хулқар ҲАМРОЕВА.**



**Бир кўшиқ бўламан дарёдаёмин...**

ловида сизга ҳам омад кулиб бокди. Шу танловларнинг аҳамияти, унинг болалар тарбиясидаги ўрни ҳақида фикрлашсак...

— Менинг назаримда инсон руҳи асосан қушиқ ва мусиқадан куч олади.

Қушиқ билан улғайган қалб келажақда нодир истеъод эгаси булиб етишди. Агар эсингизда булса, уша танловда 6 ёшли Дилшодбек Каттабеков ҳам совринли уринни эгаллади. Юртимизда Дилшодбекка ухшаган иқтидорли болалар жуда кўп. Уларни тарбиялаш, истеъодларни кашф қилишда эса бу каби танловларнинг ўрни беқисс. Машиҳур адиб Чингиз Айтматов «Истеъодни

чорлайверади. Болалиқнинг ажойиб кунларининг бирида эса инсон узи билмаган ҳолда таниқли шахсга айланиб қолади.

**Ажойиб кунларнинг бирида Уйғониб кетаман уйқудан. Юракнинг энг чуқур ерида Оғриққа айланган туйғудан. Бир қушиқ бўламан дарёдай Юракнинг энг чуқур ерида. Боқаман дунёга дунёдай Ажойиб кунларнинг бирида.**

Оҳангнинг зиёсида қамашган кўзлар кўкка интилади. Биз эса юраксиз яшамаслик учун қушиққа талпинамиз. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик танлови биринчи марта ўтказилганда ниҳоятда қаттиққўл

ёнларини қумсамай буладими? Мен катта саҳнага чиққанимда 10 ёшда эдим. Ҳеч эсимдан чиқмайди, Ҳамид Олимжон номли вилоят театрида қушиқ айтганим, ҳаяжонимдан худди саҳна чайқалаётганга ухшарди. Залда роса қарсак бўляп-

**Тулки билан эчки**

Тулки чўлда югуриб юриб, бир чуқурга йиқилиб тушди. Ундан чиқишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бари бир чиқа олмади. Шунда бир эчки ташна булиб сув излаб юриб уша чуқур енига келди. Қараса, чуқурда тулки етибди. Эчки тулкига қараб: «Бу ерда нима қилиб етибсан», — деб суради.



Тулки унга айерлик билан жавоб берди: — Каттиқ чарчаган эдим. Чуқурда сувни куриб қолдим, тушиб маза қилиб сув ичдим, энди дам олиб етибман...

Эчки бу чуқурда сув бор экан-да деб уйлаб, бир сакраб чуқурга тушди. Тулки эса чаққонлик билан эчкининг устига ирғиб чиқиб унинг шохига оёқларини куйди-да, бир сакраб чуқурдан чиқиб, ўз йўлига кетди.

Мақол: «Елгончининг сузига ишонсанг, ҳалокатга учрайсан». Бу ҳикматнинг мағзини чақинг.

**Абдупаттоҳхўжа Мансуржон ўгли**



**Пиллапўчоқ**  
Маълумки, ипак курти пилласини ураб булгач, ичида қолиб гўмбака айланади. Фабрикаларда, пилла дошқозонларда қайнатилиб ипаги галтакларга ураниб олингач, ичидан жуда қуланса ҳидли жигар ранг тусдаги гўмбакалар чиқади. Буни узбекчасига пиллапўчоқ деб аташади. Пиллапўчоқ кумиб ташланади. Ерга уғит қилинади. Ёки товўқларга едирилади. Ажабо, Хитой вилоятларидан бирида буни одамлар ер эканлар. Офтобда қуритилиб, қозонда қовурилгандан сунг, қарс-курс қилиб еяверишади. Меҳмон дастурхонига қуйилган пиллапўчоқ қовурмаси ноёб таом сифатида қабул қилинади.

**Бадбўй ва бадхўр...**  
Тибетликларда бир овқат бор. Молни сўйиб, қорнини туқиб ташлаб, ювиб, ичига ичаги, жигари, буйраги, упкаси, юрагини туғраб олиб бижғитадилар. Ҳатто бир-икки ҳафтага-ча ҳам бижғитаверадилар. Масаллик қанча кўп вақт турса ва узоқ-узоқлардан унинг бадбўй ҳиди таралиб турса, бу энг ноёб ва лазиз таом ҳисобланар экан.

**Шиллиққурт — ноёб таом**

Зах ерларда, қуқатларнинг орасида усти чиғаноқ, узи қизил бир кесим хом гушгта ухшаган шиллиқ қуртни кургандирсиз? Буни «гушг кетди» деб ҳам аташади. Францияда ана шу умуртқасиз жонивордан шурва, қовурма тайерлайдилар. Қиймалаб чучвара, котлет пиширадилар ва юзларча таомларга қўшиладилар.

**ОЛМОНИЯЛИК ТЕНГДОШЛАРИНИНГ ХАНДАЛАРИ**

— Дада, қушнимизнинг угли Штефан синфдан синфга утолмай қолди.

— Бунинг ажабланадиган жойи йук, унинг отаси узи шунақа каллаварам киши...

— Дада... мен ҳам синфда қолдим.

\*\*\*

— Дада, туғилган кунимда ногора совга қиласизми?

— Ногорани нима қиласан углим. Гумбирлатиб ҳамманинг асабига тегасан.

— Дада, сиз курқмай совга қилаверинг, мен уни ҳамма ухлаб етганида чаламан.

— Инес, қизим, нега йиғляяпсан?

— Биз Йенс билан «Ҳайвонот боғи» деган уйин уйнаймиз, ушанга йиғляяпман.

— Вой қизалогим-эй, шунга ҳам йиғляйдими киши.

— Нега энди йиғламас эканман. Биринчи булиб Йенс маймун родини уйнайди, мен эса барча конфетларимни унга едиришим керак.

\*\*\*

— Уғлим, нега битта туфлинг оқ рангда, иккинчиси эса қора.


— Узим ҳам шунга ҳайрон булиб турибман. Уйда ҳам биттаси оқ, биттаси қора рангдаги бир жуфт туфлим бор экан.

\*\*\*

Юрген Фритцни кинохона енида учратиб қолди.

— Фритц, нима, бу фильми яна курмоқчимисан? Ахир кечанинг узидан уч марта курдинг-ку.

**Таржимон: Йўлдош Парда**



**ТОНГ ЮЛДУЗИ**

**Муассислар:**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ**

**Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА**

**Таҳрир ҳайъати:**

**Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОВ, Дадахон ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.**

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0296. 11960 нусхада босылди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри,  
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
• Нашр кўрсаткичи: № 64563  
• Телефон: 33-44-25

